

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ИСЛОМ
ТАРИХИ БАДИИЙ ИФОДАЛАНГАН
АСАРЛАР ТАСНИФИ (XVII-XIX АСРЛАР)****КЛАССИФИКАЦИЯ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ
ПРОИЗВЕДЕНИЙ ИСЛАМСКОЙ
ИСТОРИИ В УЗБЕКСКОЙ
КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (XVII-
XIX ВЕКА)****CLASSIFICATION OF WORKS OF
ISLAMIC HISTORY IN UZBEK CLASSICAL
LITERATURE (XVII-XIX CENTURIES)****AZIMOVA LOLA,**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,

Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD)

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

lolaazimk@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2024/4/4

Аннотация. Ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихи воқеаларини бадиий ифодалаган асарлар, қиссалар талайгина. Уларда ислом дини, унинг гоялари, Пайгамбар (с.а.в.) ҳаёти ва фаолияти, саҳобалар, уларнинг эзгу сифатлари ҳамда ислом дини тарғиботи учун фаоллик кўрсатган тарихий шахсларнинг ҳаракатлари кенг ёритилган. Хусусан, ислом тарихи бадиий ифодаланган асарлар, асосан XVII-XIX асрларга оид бўлиб, улар характер-хусусиятига кўра тарихий-жангнома қиссалар ҳисобланади. Асосан, ўзбек мумтоз адабиётда ислом тарихи воқеалари билан бир қаторда ислом тарихида машҳур тарихий шахслар бўлган саҳобалар, Жаъфари Содиқ, Ҳазрат Али, Абу Суфён, Холид ибн Валид, Қусам ибн Аббос, Хажжож кабиларнинг сифатлари, ҳаракатлари, дин йўлидаги жонбозликлари бадиий тарзда қаламга олинган. XVII аср ижодкорларидан Сўфи Оллоёр ва Бобораҳим Машираб ижодида Уҳуд жанги, Карбало воқеалари ҳамда тарихий шахсларнинг жонбозликлари лирик мисраларда бадиий ифодаланса, XVIII-XIX аср ижодкорларидан Собир Сайқалий, Жаҳон отин Увайсий, Холис Тошкандий, Нисо, Мирзахон Хоний, Абдуқайом Ваҳмий кабилар бевосита тарихий воқеликни қаламга олганликларини кўриши мумкин. Мазкур XVIII-XIX аср ижодкорлари ва ўндан ортиқ халқ ичидан чиққан ижодкорлар ҳам ўз номларини кўрсатмаган ҳолда Ҳазрат Али, Қусам ибн Аббос, Имом Ҳасан, Имом Ҳусайн, Муҳаммад Ҳанифа,

Хажжож, Муҳаммад Боқир, Саййид Баттол Ғозий каби тарихий шахслар қаҳрамонликларини маснавий йўли билан бадиий ифодалаб, махсус лиро-эпик қиссалар битганлар. Шу жиҳатдан, ислом тарихи воқеалари ва машҳур шахслар фаолияти бадиий ифодаланган халқ қиссаларининг юздан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхалари ЎЗР ФА Шарқишунослик қўлёзмалар институти асосий фонди ҳамда Ҳамид Сулаймон фондида сақланиб келмоқда. Дарҳақиқат, ўзбек мумтоз адабиётини ислом дин, унинг бунёдкорликка, инсонпарварликка йўғрилган гояларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Юқорида таъкидланганидек, уларда ислом дини, унинг тарихий воқеаларидан тортиб, тасаввуф таълимотининг бадиий ижоддаги образ ва тамсиллар воситасидаги бадиий талқинини кўриши мумкин. Шу асосда, ўзбек мумтоз адабиётда мавжуд диний характердаги асарларни ўрганиш, уларнинг дидактик жиҳатларини ёритиш, бадиий санъатларни қўлланиш ўрнини кўрсатиш муҳим вазифалардан саналади. Шу жиҳатдан, XVII-XIX асрларга оид ислом тарихига оид асарлар ва уларнинг бадиий хусусиятлари, мазмуний таснифи масалалари Республика фондларда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма манбалар асосида тадқиқ этилди ва умумлашма хулосалар берилди.

Калит сўзлар: ислом, адабиёт, гоя, асар, тарих, маърифат, диний, қаҳрамон, жангнома, воқеа, образ, тасвир, дидактика, тарбия, ахлоқ, маънавият.

Резюме. В узбекской классической литературе немало произведений и рассказов, художественно выражающих события исламской истории. В них широко освещаются религия ислам, ее идеи, жизнь и деятельность Пророка (мир ему и благословение Аллаха), сподвижников, их благородные качества, а также действия исторических деятелей, проявивших активность для пропаганды религии ислам. В частности, произведения художественного отображения истории ислама относятся в основном к XVII-XIX векам и по своим характеристикам являются историко-военными рассказами. В основном, в узбекской классической литературе, наряду с событиями истории ислама, представлены качества, действия и религиозное рвение известных исторических деятелей истории ислама, таких как Джафари Садык, Хазрат Али, Абу Суфьян, Халид бин Валид, Кусам бин Аббас, Хаджадж и т. д., описываются художественно. Если в произведениях гениев творчества XVII века Суфи Олайора и Боборахима Машираба битва при Ухуде, события Кербелы и жизнь исторических

деятелей отражаются в художественной форме в лирических стихах, то произведения XVIII – XIX веков таких известных творцов, как Сабир Сайкали, Джахон отын Увайси, Холис Ташканди, Нисо, Мирзахан Хони, Абдукаюм Вахми описывают непосредственно исторические реалии того времени. Эти и другие писатели и поэты XVIII-XIX веков более чем десятка разных народов, в иных случаях сохраняя инкогнито или же действуя под псевдонимами, изображали героические подвиги таких исторических личностей, как Хазрат Али, Кусам ибн Аббас, Имам Хасан, Имам Хусейн, Мухаммад Ханифа, Хаджадж, Мухаммад Бакир, Сайид Баттол Гази, создавая уникальные лирико-эпические рассказы в маснавийском стиле. В основном фонде Института востоковедения АН РУз и фонде Хамида Сулаймона хранится более ста рукописей и литографических копий народных сказок, в которых в художественной форме отражены события исламской истории и деятельность известных людей. Фактически узбекскую классическую литературу невозможно представить без ислама, его идей творчества и гуманизма.

Как уже говорилось выше, в этих трудах можно увидеть исламскую религию, от ее исторических событий до художественной интерпретации учения суфизма через образы и символы в художественном творчестве. Исходя из этого, важно изучать произведения религиозного характера в узбекской классической литературе, освещать их дидактические аспекты, показывать их важное значение в литературном творчестве. Исходя из отмеченных научных задач, приняв за основу рукописные и литографические источники, хранящиеся в фондах Республики, исследованы произведения, связанные с историей ислама XVII-XIX веков, их художественные особенности, вопросы классификации содержания и даны общие выводы.

Ключевые слова: ислам, литература, идея, труд, история, просвещение, религиозный, герой, военный рассказ, событие, образ, дидактика, образование, мораль, духовность.

Abstract. In Uzbek classic literature, there are many books and stories that artistically express the events of Islamic history. The religion of Islam, its ideas, the life and activities of the Prophet (pbuh), companions, their noble qualities, and the actions of historical figures who showed activity for the propagation of the religion of Islam are widely described in these books. In particular, the books that express history of Islam artistically mainly belong to the 17th-19th centuries, and according to their characteristics, they are historical-

war stories. Mainly, in Uzbek classical literature, along with the events of the history of Islam, the qualities, actions, and religious zeal of famous historical figures in the history of Islam, such as Jafari Sadiq, Hazrat Ali, Abu Sufyan, Khalid bin Walid, Qusam bin Abbas, Hajjaj, etc., are artistically described. In the books of 17th century writers Sufi Ollayor and Boborahim Mashrab, the battle of Uhud, Karbala events and the lives of historical figures are artistically expressed in lyrical verses, while 18th-19th century writers and poets Sabir Sayqali, Jahan atin Uvaisiy, Kholis Tashkandi, Nisa, Mirzakhan Khani, Abduqayum Vahmi directly wrote historical reality. These artists of the 18th-19th centuries and artists from more than ten nations, without revealing their names, depicted the heroic deeds of historical figures such as Hazrat Ali, Qusam ibn Abbas, Imam Hasan, Imam Husain, Muhammad Hanifa, Hajjaj, Muhammad Baqir; special lyric-epic stories are finished by Sayyid Battol Ghazi in a masnavi way. In this regard, more than a hundred manuscripts and lithographic copies of folk tales, which are artistically expressed the events of Islamic history and the activities of famous people, are preserved in the main fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the republic of Uzbekistan and the Hamid Sulayman fund. In fact, Uzbek classical literature cannot be imagined without Islam, its ideas of creativity and humanity.

As mentioned above, one can see in them the Islamic religion, from its historical events, to the artistic interpretation of the teachings of Sufism through images and symbols in artistic creation. Based on this, it is important to study books of a religious nature in Uzbek classic literature, to illuminate their didactic aspects, and to show the place of use of artistic arts. From this point of view, the works related to the history of Islam of the 17th-19th centuries and their artistic features, content classification issues were researched on the basis of the manuscript and lithographic sources stored in the Republic's funds and general conclusions were given.

Keywords: Islam, literature, idea, history, enlightenment, religious, hero, war story, event, image, didactics, education, morality, spirituality.

КИРИШ

Мовароуннахр худудида ёйилган ислом дини муайян даражада маданий-маърифий тарбия ролини ўтаган ва халқнинг бадий тафаккури, маънавий ҳаётига таъсир этган. Бу ҳол юртимизда ўзига хос ислом ғояларини бадий ифодалаган диний-бадий асарлар яратилишига ва халқ орасидан чиққан истеъдодли ижодкорлар томонидан турли

жанрлардаги асарлар ёзилишига олиб келди. Асосан, ислом тарихини бадий ифодалаган асарлар XVIII-XIX асрларда кенг миқёсида ёзилган бўлса-да, аммо XVII асрда яратилган насрий ва назмий асарлар ҳам ислом ғояларидан айро эмаслигини кўрсатади. Чунончи XVII асрларда ёзилган назмий асарларда, ислом тарихидаги воқеа ва шахсларни эслаш, ибрат сифатида келтириш, улар фаолиятини қисман ёритиб ўтиш ҳолатлари кузатилади. Шу даврларда ижод қилган Сўфи Оллоёр (1644-1724) ва Бобораҳим Машраб (1640-1711) ижодида кўзга ташланади. Хусусан, Сўфи Оллоёр “Сабот ул-ојизин” асарида “Ҳикояти Ҳажжож”ни келтириб, тарихий шахс Ҳажжож сифатини бадий тасвирлаб ўтади. Тарихда Ҳажжож ибн Юсуф ислом динини ёйишда қаттиққўллик билан иш олиб борганлиги ва умавийлар даврида зулмкор ҳукмдор сифатида ном қолдирганлиги маълум (Балозурий, 2012:34). Сўфи Оллоёр ҳам Ҳажжожнинг шу сифатларига ургу бериб, “мусулмонларнинг Ҳажжож золимнинг жонини олишини дуо қилиб сўраши орқали унинг гуноҳлари кам бўлиши, шунда бошқаларга зулми кам етиши”ни ибратомуз тарзда бадий тасвирланган. Шунингдек, муаллиф “Уҳуд тоғида бўлгон муҳобара”ни ҳам келтириб ўтади. Муҳаммад (с.а.в.)нинг тишлари тушиши ва етмиш нафар мусулмон шахид бўлиши, пайғамбар дуолари туфайли Абу Суфён, Холид ибн Валид ва Уҳуд кофирлари мусулмон бўлиши бадий ифодаланган.

Бобораҳим Машраб ижодида ҳам ислом тарихидаги қонли воқеалардан бири сифатида из қолдирган имом Ҳусайн фожияси ҳамда Карбало даштидаги қонли воқелик лирик қаҳрамон руҳий ҳолатига кўчган ҳолдаги тасвирни кўриш мумкин. Ошиқнинг дардли изтироби, ишқдан бағри қонга тўлиши, азобланиши тарихий воқеликка ишора қилиш орқали бадий ифодаланади. Хусусан, бу Машраб ижодида ўзига хос бадий ифодасини топган. Яъни,

Эй ситамгар, келгилу эмди шахид этгил мени,

Мавж урсун Карбало даштида бу қоним мени....

Ошиқ (Машраб) зулм қилувчи маъшуқага ишқ оташи билан “шаҳид” қилишини ва унинг оташин қони Карбало даштида мавж урушини гўё имом Ҳусайннинг дардли фожиясига қиёсламоқда.

Машраб ижодига нисбат берилган “Мабдаи нур” асарида келтирилган ҳикояларда ҳам пайғамбарлар тарихи, саҳобалар, тарихий шахслар ҳаёти ва воқеалари сўфиёна қарашлар асосида бадий ифодаланган. Хусусан, куйидаги мисраларда эътиқодда Жаъфари Содиқдек бўлиш тилга олинган:

Ишни мундоғ қилки, марди лойиқи,

Мисли Жаъфар бўл бу йўлда содиқи (Машраб, 1994: 240).

Кўринадики, муаллифлар ўз асарларини ёзишда ислом ғояларидан озиқланганлар ва унинг эзгуликка йўғрилган ғояларидан у ёки бу даражада истеъфода этганлар.

УСЛУБЛАР

Ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихи воқеаларини бадий ифодалаган XVII-XVIII асрларга оид асарларни тадқиқ этишда тарихий-қиёсий, таснифлаш, манбавий таҳлил ва бадий жиҳатларини ёритишда герменевтик талқин методларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Диний мазмундаги насрий ва назмий асарлар ўзбек мумтоз адабиётнинг салмоқли қисмини ташкил этса, ислом тарихини бадий ифодалаган асарлар ҳам адабий меросимизнинг ўзига хос жиҳати сифатида майдонга келди. Бу жиҳат, халқ эҳтиёжи, маънавий тафаккур маҳсули ўлароқ юзага келди, дейиш мумкин. Асосан, илм масканларида “XVII асрларнинг турли йилларида Бухоро, Хева ва Самарқанд мадрасаларида “Шамойил ун-наби”, “Меърож ун-нубуват”, “Шарҳи виқоя” каби диний асарлар кўчирилиб” (Абдуллаев В, 1967:8-9), ўқитилган бўлса, ислом тарихини бадий ифодалаган асарлар эса, “шу даврларда юзага келган турли сиёсий курашлардан чарчаган меҳнаткаш халқнинг” (Абдуллаев В, 1967:10) маънавий эҳтиёжи сифатида майдонга келган. Шу жиҳатдан, ўзбек адабиётида мавжуд ислом тарихини бадий ифодалаган асарлар, асосан халқ руҳига яқин тарзда содда ва таъсирчан қилиб ёзилган ҳамда муайян тарихий шахс фаолиятини ёритиш нуқтаи назардан қисса жанрини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, “XVIII-XIX асрда яратилган асарларнинг кўпчилиги қисса жанрида бунёд этилган бўлиб, соф диний-дидактик асар тоифасига киради” (Равшанов Ф, 1997:54-55). Дарҳақиқат, кўпроқ дидактик характерга эга бўлган ислом тарихини бадий ифодалаган асарлар XVIII-XIX асрларда турли ҳажм ва савияда жуда кўплаб ёзилган бўлиб, уларда тарихий ҳақиқат ижодкор дунёқараш, бадий мушоҳадаси ва воқеликка ўзига хос ёндашуви асосида майдонга келган. Албатта, тарихий воқелик бадий тўқима, бўёқдорлик ҳамда халқ орасида мавжуд ривоят, ҳикоят, мақоллар билан қоришиқ ҳолда ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Бу каби ёндашув асарларни қизиқарли ва

ўқимишли чиқишини таъминлаган. Шунингдек, мазкур руҳдаги асарлар “ислом тарихини тарғиб қилиш билан бир қаторда, улуг зотлар образи орқали инсоний фазилатларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилиб келган” (Soyirov S, 2020:32).

Ўзбек адабиётида юзага келган ислом тарихини бадиий ифодалаган асарларнинг мавзу камрови кенг бўлиб, уларда дин тарғиботи учун курашган тарихий шахслар қаҳрамонлигидан тортиб, ҳазрат Али, Амир Ҳамза воқеалари, Уҳуд, Ҳайбар жанги ҳамда имом Ҳусайн тарихи билан боғлиқ воқеалар қаламга олинган. Шунингдек, ислом тарихида машҳур шахслар бўлган Муҳаммад Ҳанифа, Муҳаммад Боқир, Саййид Баттол Ғозий воқеаларини бадиий ифодалаган асарларнинг турли вариантларининг кўплаб учраши, халқнинг диний шахсларга бўлган ҳурматининг юқори эканлигини кўрсатади.

Шу жиҳатдан, ўзбек мумтоз адабиётида XVII-XIX асрларга оид ислом тарихи бадиий ифодаланган асарларнинг мазмун-моҳияти, характер-хусусиятига кўра, қуйидагича тасниф ва тавсифлаш мумкин:

1. Ислом тарихи воқеалари бадиий акс этган асарлар. Мазкур турдаги асарларда Уҳуд, Ҳайбар фатҳи, Карбало воқеаси ҳамда ислом дини тарғиботи учун Мовароуннаҳрга келган ислом тарихида машҳур шахслар, саркардалар фаолияти, хатти-ҳаракати ва жангу жадаллари акс этган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳрга, асосан, ислом тарихида машҳур ва бевосита Муҳаммад (с.а.в.) яқинларидан бўлган Қусам ибн Аббос (тахм. 624-677), Жарир ибн Муҳаммаднинг дин тарғиботи йўлидаги ҳаракатлари қаламга олинган. Бу борада Холис Тошкандийнинг “Қиссаи шоҳ Жарир”, “Зевар шоҳ ва Қусам ибн Аббос” (XIX аср) ва муаллифи номаълум “Жангномаи ҳафт ғазоти ҳазрат Али” да келган баъзи ғазотлар ҳамда “Ҳикояти Амир Ҳамза” (XIX аср охири) қиссасини тилга олиш мумкин. Шунингдек, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн тарихини бадиий ифодалаган асарлар ҳам ўзбек адабиётининг салмоқли қисмини ташкил этади. Мазкур типдаги асарларга Собир Сайқалий (XVIII аср)нинг “Равзат уш-шуҳадо”, Жаҳон отин Увайсий (1779-1845)нинг “Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн”, Холис Тошкандий (XIX аср)нинг “Имомлар қиссаси” асарлари, шунингдек, халқ ижоди маҳсули сифатида юзага келган “Мушибатномаи туркий”, “Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқибини”нинг “Ҳазрати Султон тарихи” қисми (Чориев А, 1996:48-175), “Қиссаи имом Ҳусайн”, “Қиссаи имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” ва “Қиссаи Карбало” номлари остида сақланаётган қиссаларни айтиш мумкин. XX аср бошларида ижод қилган Нисо (1879-1966) “Вафотномаи имом Ҳасан

ва имом Ҳусайн” ва Мирзахон Хоний (1884-1967) ҳам “Воқеаи оилаи Карбалойи пурбало” номли асарлар битганлар (Эшонова С, 2006:11). Мазкур ҳар икки асар ҳам халқ қиссалари асосида юзага келган.

Холис Тошкандий қаламига мансуб “Қиссаи шоҳ Жарир” асари ҳажман кичик бўлиб, унда “халифа Усмон (р.а.) даврида шуҳрат қозонган саркарда Жарир ибн Муҳаммад (Равшанов Ф, 1997) воқеалари ўрин олган. Воқеалар асосан маснавий тарзида баён этилган, баъзи ўринларда, воқеликка муносабат тарзида мухаммаслар ҳамда марсиялар берилган. Асар тили содда ва фольклорга хос тасвир етакчилик қилади. Ижодкор биргина Шоҳ Жарир қаҳрамонлигини тасвирлаш орқали саҳобалар ҳаёти, имом Ҳусайн фожиаси билан боғлиқ воқеаларни ҳам қаҳрамон тилидан бериб кетади.

ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фондида “Қиссаи шоҳ Жарир” ёки “Қиссаи шоҳ Жарир ва Қусам ибн Аббос” асари 11619, 13055/4, 8844/3, 5660/7, 5660/6 инвентарь рақамларда, “Зевар шоҳ ва Қусам ибн Аббос” асари 3379 инвентарь рақамда сақланади. Қўлғезмалар асосан настаълиқ хатида бўлиб, саҳифалари деярли яхши сақланмаган. “Қиссаи шоҳ Жарир” асари “Сафед Булон қиссаси” номи остида ҳозирги крилл ёзувида нашр этилган бўлиб (Шоҳ Ҳаким Холис, 1994:308), тарихий воқелик асосан халқ оғзаки ижодига хос тарзда баён этилган. Мазкур асар характер-хусусиятига кўра, жангнома-дидактик бўлиб, воқеликка халқ позициясидан туриб ёндашилган. Хусусан, 13055/4 инвентарь рақамли қўлғезма настаълиқ хатида 14x21см ҳажмда бўлиб, 1226 хижрийда ёзилган. Қўлғезма саҳифалари яхши сақланмаган. 5660/7 рақамли қўлғезма ҳам настаълиқ хатида бўлиб, сарлавҳалар қизил рангда берилиб, кўчиришда қисман имловий хатоликлар кўзга ташланади.

“Зевар шоҳ ва Қусам ибн Аббос” асари ҳам ҳажман кичик бўлиб, унда асосан Зевар шоҳнинг Қусам ибн Аббос бошчилигидаги мусулмонларга қарши кураши тасвирланган. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фондида, асарнинг 3379 инвентарь рақамли қўлғезма нусхаси мавжуд. Асар 39 саҳифадан иборат, настаълиқ хатида ёзилган, котиблар томонидан кўчиришда хатоликлар кўзга ташланади. Асар маснавийда ёзилган бўлиб, қаҳрамонлар тилидан байт, мухаммас ва муножотлар келтирилиб, бу орқали дунёнинг ўткинчилиги билан боғлиқ фалсафий-дидактик қарашлар баён этилган. Ҳар икки асарнинг кўплаб қўлғезма нусхалари халқ орасида тарқалган ва бугунги кунга қадар сақланиб келинади. Бу хусусида, Исҳоқхон Ибрат

“Тарихи Фарғона” асарида, “Бу китоб (“Шоҳ Жарир қиссаси” назарда тутилмоқда – Л.А.) Фарғонада кўбдур, хусус, Косонда кўбдур, на учунки, майдони муҳораба ул ерда бўлган учун уларнинг қўлида аксар кишида бўладур...” (Исҳоқхон Иброт, 1991:282), деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, халқ орасида мавжуд нусхалар асосида ҳозирги ёзувга табдил қилган тарихчи олим Н.Абдулаҳатов Холис Тошкандий қаламига мансуб асарларнинг қўлёзмалари хусусида шундай ёзади: “2001 йилда Фарғона вилоятининг Бувайда туманида жойлашган Биби Убайда ва Пошшо пирим зиёратгоҳлари юзасидан олиб борилган изланишлар мобайнида туманнинг Бувимозор қишлоғида яшовчи Одинахон Шерматова хонадониди “Шоҳи Жарир қиссаси”ни яна бир нусхаси аниқланган. Ушбу қўлёзаманинг бошқа қўлёзмалардан фарқи, унда нафақат “Сафед Булон қиссаси”, балки Шоҳ Жарирнинг набираси Пошшо Пирим, яъни Шоҳ Жарир билан боғлиқ воқеалар ҳам нақл этилган ҳамда қўлёзма “Ибратнома”, “Шоҳ Жарир (ёки “Сафед Булон”) қиссаси”, “Қиёматнома”, “Фотимаи Захро ва Расулulloҳ қиссаси”, “Биби Убайда қиссаси”, “Шоҳимардон қиссаси”, “Қусам ибн Аббос (ёки “Шоҳи зинда”) қиссаси” сингари бир нечта китобни ўз ичига олган тарихий жангнома қисса”дир. Қўлёзма ҳажми, жами 202 ыаракдан иборат бўлиб, ҳижрий 1324 йилда кўчирилганини (Ҳазиний юрти, 2010:132) таъкидлайди. Бундан кўринадики, қўлёзмага жамланган жангнома характеридаги асарлар ҳажман кичик бўлиб, муаллиф тарихий шахслар фаолиятини ёритиш орқали дидактик қарашларини илгари сурган.

Халқ қиссаси “Ҳикояти Амир Ҳамза” эса, Ҳ.Сулаймон фондида 2054/II инвентарь рақами остида сақланади. Асар ҳажман кичик бўлиб, 35 саҳифадан иборат. Асар насрийда бўлиб, Амир Ҳамза, Ҳазрат Али ва Умар ибн Хаттоб (р.а.) воқеаларига бағишланган бир неча сюжетли қисқа воқеалардан ташкил топган. Асарда қизил рангда “иккинчи қисса булдури”, деб келтирилган бўлса-да, аммо мазмунан воқеалар бир-бирининг узвий давоми сифатида келган.

Шунингдек, Ҳ.Сулаймон қўлёзмалар фондида 2954 инвентарь рақам остида сақланаётган “Жангномаи ҳафт ғазоти ҳазрат Али” қиссасининг 2-ғазоти “Уҳуд жанги ва Онҳазрат (с.а.в.) муборак тишларини шаҳид бўлмоқлиги баёни” (8 саҳифа), 8-ғазот “Ҳайбар қалъасининг фатҳ этилиш баёни” (10 саҳифа) ҳамда охириги дoston “Пайғамбар (с.а.в.) Маккадан Мадинага сафар қилгонлари” (6 саҳифа) қисмлари ислом дини тарғиботи ва ўлкаларни фатҳ этишга бағишланган. Мазкур ғазотларда Уҳуд, Ҳайбар фатҳи ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакилари

Абу Лаҳаб бошлиқ кофирларнинг зулми ҳамда ул зотнинг Мадинага ҳижрат қилишлари тарихий маълумотлар асосида бадийй ёритилган.

ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Собир Сайқалийнинг “Равзат уш-шуҳадо” (ёки “Қиссаи Сайқалий”) (Сайқалий С, 2004:480) асари 1553, 3940, 4820, 5603, 6445, 6569, 7326, 7981, 7995, 8002, 9569-I, 13088, 2714 рақамларда. Тошбосмалари 221-II, 222-I, 172, 173, 9178, 4673 инвентарь рақамларда сақланади. Ушбу фондда асарнинг эллиқдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланаётган бўлиб, тошбосма нусхалари В.М.Ильин ва Ғулом Ҳасан Орифжонов литографияларида қайта-қайта нашр этилган ва кенг тарқалган (Soyirov S, 2020:10).

Ҳамид Сулаймон фондида эса, 5695, 320-III, 2785-I инвентарь рақамли қўлёзмалар 3814, 2999, 1733 инвентарь рақамли тошбосмалар ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида 77, 53 инвентарь рақамли қўлёзмалари сақланади.

Собир Сайқалий асарлари унинг ҳаётлик давридаёқ шуҳрат топган бўлиб, котиблар томонидан кўплаб нусхада кўчирилган (Соипов С, 2006:9). Бундан шоир ижодига ва асар сюжетида кизиқиш юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Қўлёзмалар настаълиқ хатида бўлиб, аксарият ўринларда котиблар томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳамда матнларда тафовутлар ҳам сезилади. Хусусан, 220 инвентарь рақамли тошбосманинг дастлабки саҳифалари яхши сақланмаган. Дастлаб Ҳасан ва Ҳусайн воқеаларининг қисқа баёни берилиб, сўнг асарни 10 боб, 1 хотима билан тартиб берганлиги айтилади ва “Аввалги бобда баъзи пайғамбарлар балоларга мубтало бўлгани баёни”, деб воқеалар бошланиб кетилган.

Жаҳон отин Увайсийнинг имом Ҳасан ва имом Ҳусайнга бағишланган дostonлари ҳам бўлиб, улар “Жангномаи имом Ҳусайн”, “Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн”, “Қарбаломома”, “Китоби Увайсий” номлари остида ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 11218, 12882/1, 13363 (142 саҳифа), 1837/2 рақамларда, тошбосмалар 669, 9599, 15600, 18257, 607, 659, 19885 инвентарь рақамларда сақланади. “Шаҳзода Ҳусайн” асари “Китоби Увайсий” номи остида 1914 йил литография усулида нашр этилган” (Қаюмов А, 1961:242). Мазкур тошбосма настаълиқ хатида бўлиб, 1а бетга кириш сўз ёзилиб, сўнггра шеърлари катакчаларга олинган ва жами 43 ыаракдан иборат (Исломов Х, 1983:73). Китоб охирида

“Тамат ал китоб Роқим камина Олим Хожа”, деб келтирилган.

Ҳамид Сулаймон фондида 1329 инвентарь рақам билан “Қиссаи пур ғусса” номи остида сақланаётган қўлёзма XIX аср ўрталарида Тожинисо номли аёл томонидан қўчирилган бўлиб, бу асарнинг охириги 139 а саҳифасида қайд этилган (Исломов Х, 1983:72). Қўлёзмалар настаълиқ хатида бўлиб, ёзилган ва қўчирилган йили берилмаган. Таъкидлаш лозимки, шу даврда ёзилган қўлёзмаларнинг кўпчилиги настаълиқ хатида, қора сиёҳ ва сарлавҳалари кизилда берилган ҳамда баъзи ўринларда воқеликни ажратиш мақсадида жой қолдирилган.

Қўлёзмалар бош саҳифасида “Ушбу китоб жангномаи ҳазрат имом Ҳасан ва шаҳодати ҳазрат имом Ҳусайн (р.а.)”, “Айни китоби Увайсий” деб келтирилган. Шунингдек, қўлёзма нусхаларда Ҳасан ва Ҳусайн воқеалари кенг қаламга олинган бўлса, тошбосмаларда саҳифалар қисқа бўлиб, асосан имом Ҳусайннинг Карбало даштидаги жанг воқеалари тасвирланган. Қўлёзма нусхаларда воқеалар тасвири бир-биридан фарқ қилади ҳамда матний тафовут кўзга ташланади. Жумладан, 1329, 13363, 1837/2 инвентарь рақамли қўлёзма Увайсий услубига хос тасвири ифодалаган бўлса, 12882 рақамли қўлёзмада эса, халқ оғзаки ижодига хос ёндашув, тасвирда саёзлик, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн шахсини юқори даражада муболағали таърифлаш ҳолатлари кузатилади. Мазкур нусха 13363 қўлёзмадан биров фарқ қилади, яъни ғазал, мусаддасларнинг баъзи бир мисра, банди тушиб қолган ва такрорийлик ҳолатлари ҳам кузатилади. Назмий баёнда имло хатолар ҳам кўп учрайди. Бу ҳолат, котиблар томонидан турли савияда қўчирилганлигидан дарак беради. Қўлёзмалар анча уринган ва яхши сақланмаган.

1837/2, 13363 инвентарь рақамли қўлёзмалар ҳажми 142 ғарз бўлиб, воқеалар ҳамд билан бошланиб, инсонни муқаррам қилиб яратилиши, Муҳаммад пайғамбарни жумла олам ичра азиз айлаб, ҳақиқат нури билан мушарраф этилганлиги мақтов ва таъриф-тавсифлар орқали назмий баён этилиб, сўнг ҳақорётлар тавсифи қисқа келтирилади. Сўнггра “Расул фарзандлари ул Ҳасан бирла Ҳусайн васфини айлайин”, деб асосий воқеаларга ўтилади. Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн туғилиши қисқача ҳикоя қилиниб, муаллиф томонидан воқелик баёни давомида ибратли панд-насиҳатлар келтирилади. Қўлёзмада янги воқеалар сарлавҳаларда хат бошида кизил рангга берилган ва “Худойи таоло жаннатда шаҳзодалар бирла зийнат бергони бу турур” (8-саҳифа), “Марсия аввали бу турур” (9-саҳифа), “Ҳазрат биби Фотима фарзандлариға

афсус қилиб, айтғон сўзлари” (12-саҳифа), “Ҳазрат имом дўстлариға боқиб, байтни айтқонлари” (16-саҳифа), “Муслим қизи отасининг фироқида зор-зор йиғлағони” (22-саҳифа) каби 15га яқин жумлалар билан баён этилади. Муаллиф томонидан воқеликка муносабат тарзида ва қаҳрамонлар тилидан “Отолориға (Муслим ибн Ақил қизи назарда тутилган – Л.А.) кўнгил бериб, бу ғазални ўқудилар” (25-саҳифа), деб ғазаллар бериб кетилади. Муаллиф ҳар бир воқеа баёнида “Кел эй ровий яна айла ривоят” ёки “Кел эй ровий, сўзингни бошқа айла” жумлалари билан янги воқеага ўтади.

12882 рақамли қўлёзма эса, ҳамд ва наът билан бошланиб, ҳақорётлар таърифи берилиб, сўнг имом Ҳусайн воқеалари баёнига ўтилган. Тошбосма нусхалар каби воқеалар тўғридан-тўғри Карбало даштидаги жанглар тасвирига бағишланган, имом Ҳасан воқеалари эса, берилмаган. Қўлёзма 43 ғарз бўлиб, “Шаҳзода Қосимнинг оналари дийдаи гирён бўлиб, бу марсияни айтқонлари”, деб воқеалар тугаган, асар охирига етмаган. Бундан кўринадики, қўлёзманинг фақат имом Ҳусайнга бағишланган асосий қисмлари тошбосма нусхаларда акс этган. Табиийки, Увайсий шаҳзодаларга бағишлаган асарини икки дoston доирасида баён этган ва бу котиблар томонидан турли савияда қўчирилган.

Холис Тошкандийнинг “Имомлар қиссаси” ёки “Қиссаи имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” асари ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 12040, 12244-I, 1144-2, 12012-2, 12053-6, 12327-3, 9927-I, 3305-I, 9282, 6370-7, 9807, 4198-1 инвентарь рақамларда сақланади. Ушбу қўлёзмалар орасида 12040 инвентарь рақамли қўлёзма бошқа нусхаларга қараганда тўлиқроқ бўлиб, настаълиқ хатида ёзилган, қора сиёҳда, сарлавҳалари кизилда ва 181 ғарзни ташкил этади. Қўлёзма назмий баён этилган бўлиб, муаллиф воқеалар баёни давомида муҳаммас, ғазал, марсия ва қаҳрамонлар тилидан муножотлар келтириб, асар сюжетини мазмунан бойитишга ҳаракат қилган. Шунингдек, 9282, 9807, 12012-2 инвентарь рақамли қўлёзмалар котиблар томонидан турли ҳажм ва савияда қўчирилган бўлиб, саҳифалари тўлиқ эмас ва яхши сақланмаган. Ҳусусан, 9282 рақамли қўлёзмада воқеалар саҳобалар таърифидан бошланса, 9807 рақамли қўлёзмада эса, Муҳаммад (с.а.в.) таърифлари қисқача келтирилиб, ул зотнинг дунёдан ўтишлари фалсафий тарзда назмий баён этилган, сўнг воқеалар имом Ҳусайн фожиасига боғлаб кетилган.

4198-1 инвентарь рақамли қўлёзма эса, XIX асрда Мулло Мир Маҳмуд Намангоний томонидан қўчирилган бўлиб, аввало Муҳаммад (с.а.в.)

вафотига тўхтаб ўтилади. Сўнг Муҳаммад (с.а.в.) нинг фаолияти бир қадар ёдга олиниб, уларнинг вафотига бағишланган марсия ҳам келтирилади. Шунингдек, саҳобалар – Абу Бакр, Умар ва Усмон ҳаёти ва фаолияти ҳамда қазоси тўғрисида қисқача баён қилиниб, марсиялар билан таъзия изҳор қилинади. Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотима (р.а.) ҳақида ҳам баъзи маълумотлар берилиб, сўнгра асосий воқеалар баёни бошланади (Равшанов Ф, 1997). Кўринадик, воқеалар Муҳаммад (с.а.в.) дан бошланиб, имом Хусайн ўлим топгач, унинг тарафдорлари томонидан Язид лашкарига қарши курашиш ва фожеликка муносабат тарзида Зайнулобиддин тилидан ғазал келтириш билан хотималанган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур 4198-1 қўлёзма нусхада воқеалар 10 боб доирасида баён этилиб, тартибланган. Бу, Холис Тошкандий услубига унчалик мувофиқ келмайди. Шох Ҳаким воқеаларни тўғридан-тўғри баён этади, одатда, унинг ижодида бобларга ажратиш, хотималаш ҳолати кўзга ташланмайди. Ушбу қўлёзманинг дастлабки саҳифаларида умумий тарзда, Муҳаммад (с.а.в.), саҳобалардан: Абу Бакр, Умар, Усмон ва ҳазрат Али назмий таърифланади. Сўнг “бу китоб 10 боб ва бир хотима бирла тартиб берилди. Боблар бу турур...”, деб 4-саҳифадан бошлаб, муаллиф изоҳи келтирилади. Бу каби фарқли жиҳатлар хусусида, Холис Тошкандий адабий меросини тадқиқ этган Ф.Равшанов: “Имомлар қиссаси” қўлёзмалари тўлиғича сақланмаган. Кўпчилигининг бош ва охириги саҳифалари (баъзан маълум каттароқ қисми ҳам) йўқолган. Нусхалар ичида тўлароғи 1007689 рақамлиси бўлиб, унинг ҳам сўнгги саҳифалари йўқ. XIX асрга оид бу қўлёзма 228 саҳифадан иборат. Холиснинг қиссасида, асосан, Муҳаммад (с.а.в.), ул зотнинг авлодлари ва саҳобалар билан боғлиқ воқеалар назмий услубда баён қилинади. Асар бир неча қиссаларни ўз ичига олувчи туркум қиссалар жумласига киради. Асарнинг тўғридан-тўғри Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида баён қилиш билан бошланиб кетиши Холиснинг бошқа асарларидаги услубига мос тушмайди. Фикримизча, нусхани кўчирган котиблар қиссага Холис томонидан битилган дебочани киритишмаган ёки бу дебоча тушиб қолган бўлиши мумкин. Баъзи нусхалардаги узук-юлуқ байтлар кўпроқ дебоча бўлганлигини кўрсатади” (Равшанов Ф, 1997:24), дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, имом Хусайн воқеасига бағишланган қўлёзма асарлар Республика фондларида шу даражада кўпки, бу жараён, асарлар муаллифини аниқлашда чалкашликлар туғдиради. Таъкидланганидек, кўчиришда ёки тартиблашда котиблар томонидан турлича бериш ҳолатлари кузатилади. Таъкидлаш

лозимки, мазкур руҳдаги асарлар XIX асрларда халқ томонидан катта қизиқиш билан ўқилган ва халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб, котиблар томонидан бадий савияси қай даражада бўлишидан қатъий назар кўплаб нусхаларда кўчирилган. Бу ҳол, XIX асрда яратилган тарихий-жангнома (асосан диний шахслар фаолияти акс этган – Л.А.) ва дидактик асарларга эҳтиёж юқори бўлганлигини кўрсатади (ЎзР ФА ШИ фонди). Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинасида мавжуд 89 инвентарь рақамли қўлёзмани ҳам тўлиқ ва мукамал, деб бўлмайди. Қўлёзма настаълиқ хатида қора сиёҳда ёзилган бўлиб, сарлавҳалар қизилда берилган. Чиройли хуснихатда кўчирилмаган, воқеалар баёнида ҳам такрорийлик ҳолатлари кўзга ташланади. Имло хатолар кўп бўлиб, котиблар томонидан воқеликни эркин ифодалаш ҳолатлари ҳам кузатилади. Таҳлил ва кузатишлардан шундай хулосага келиш мумкинки, имом Ҳасан ва имом Хусайнга бағишланган муаллифли асарларнинг қўлёзма нусхаларида матний тафовутлар кўзга ташланади. Бу эса, қўлёзмаларни матний қиёслаш, таҳлил қилиш, илмий баҳолаш каби кенг тадқиқотни талаб этади.

Имом Ҳасан ва имом Хусайн тарихига бағишланган муаллифи номаълум асарлар ҳам кўпчиликлари ташкил этади ва уларнинг барчаси “Қиссаи имом Хусайн”, “Қиссаи имом Ҳасан ва имом Хусайн”, “Қиссаи Карбало”, “Мусибатномаи туркий” номлари остида 13196/1, 8405-I, 384-III, 13196, 1338/4, 8948-I, 3305/1, 9972/1, 11626, 6350-II, 7621-II, 12327-III, 8845-II, 12392, 6416, 6210, 8295, 12523, 177/1, 6849, 178, 12784, 180, 4686, 12549, 2982, 3713, 2487, 6147, 1237, 3397, 2616-II, 2096-I, 2596-IV инвентарь рақамларда ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинасида 67-II, 148-III, 288-I, 216-II, 245-III, 71-II, 180-III, 144 инвентарь рақамли қўлёзмалар ва 654, 1428, 1430 инвентарь рақамли тошбосма нусхаларда сақланмоқда. Мазкур асарларнинг баъзиларидан парчалар эълон қилинган (Имом Ҳасан ва Имом Хусайн қиссаси, 2003). Кўпчилик асарларнинг тошбосма нашри 1900-1901 йилларда Тошкентда В.М.Ильин типографиясида Абдурауф Ҳожи ибн Абдунаби ва Акмалхон котиблар томонидан амалга оширилган. Бироқ асарнинг қўлёзма нусхаларини тўлиқ ва мукамал, деб бўлмайди. Хусусан, 12523 инвентарь рақамли қўлёзма (яхши сақланмаган, анча уринган) хижрий 1281 (милодий 1865) йилда настаълиқ ёзувида кўчирилган ва 193 саҳифадан иборат бўлиб, биринчи қисмида имом Хусайн воқеалари, иккинчи қисмида, Зулқарнайн қиссалари баёни ўрин олган. Аммо имом Хусайнга бағишланган

қисми тугалланмаган. Эътибор берилса, тошбосма нусхаларга нисбатан қўлёзма нусхалар озчиликни ташкил этади ва мавжудларининг ҳам кўпгина саҳифалари тўлиқ сақланмаган ёки тугалланмаган.

XVII-XIX асрларда юзага келган ва мавжуд асарларни шу даврда қайта китобат қилиш орқали шаклланган турли ҳажмдаги адабий манбалар Республика қўлёзма фондларида талайгина. Ушбу асарларнинг бир қисми чуқур билим ва юксак бадиий савияда ёзилган бўлса, қолган қисми халқ орасида мавжуд қисса, ривоят, ҳикоят ва афсоналар асосида тартиб берилган.

2. Ислон тарихидаги машҳур шахслар фаолияти бадиий ёритилган асарлар. Мазкур типдаги асарларда, асосан, тарихий шахслар фаолияти, уларнинг қаҳрамонлиги, жанговар сифатлари қаламга олинган. Бунда, ислон тарихидаги воқелик тасвиридан кўра, тарихий шахслар фаолияти, мардонавор ҳаракатларини бадиий ёритиш устунроқ эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, Абдуқаюм Ваҳмийнинг “Саййид Жаъфар Ғозий” ва “Ҳафт ғазот” (XIX аср), Мирийнинг “Қиссаи Салим Жавҳарий” (XIX аср) ҳамда муаллифи номаълум “*Ҳикояти Ҳажжжоз ва Муҳаммад Боқир*”, “*Ҳикояти имом Муҳаммад Ҳанифа*” (ёки “*Зайнулараб*”), “*Жангномаи Зуфунун*”, “*Жангномаи ҳафт ғазоти ҳазрат Али*”, “*Жангномаи Саййид Баттол Ғозий*”, “*Ҳазрат Али қиссалари*” (XIX аср охири) кабиларни келтириш мумкин.

Абдуқаюм Ваҳмийнинг “Ҳафт ғазот” достони бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унда сақланиб қолган парчада Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг куёвлари – ҳазрат Алининг Аждар Дев билан олишувлари кизиқарли тарзда тасвирланган (Абдулахатов Н, электрон).

Муаллифнинг “Саййид Жаъфар Ғозий” асари республика қўлёзма фондларида учрамайди. Тадқиқотчи олим Н.Абдулахатов шахсий кутубхонасида сақланаётган қўлёзманинг ҳажми 17х26 см. Жами 416 varaқ (831 бет)дан иборат. Муаллиф дасхати. Қора-қизил сиёҳда туркий тилда хижрий 1267 йилда кўчирилган. Қўлёзмада “Саййид Жаъфар Ғозий” достонидан ташқари, 20 та ғазал, бир неча тўртликлар, дoston ичидаги 14 та муножот ҳам киритилган.

Мирийнинг “Қиссаи Салим Жавҳарий” асари ҳам бўлиб, бу ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўтган асрларда эълон қилинган эди (Абдуллаев В, 1978:72). Асарни тўлиқ ислон тарихига бағишланган, деб бўлмайди. Асар ишқий-саргузашт типига бўлиб, ҳикоя ичида ҳикоя услубида ёзилган. Муаллиф биринчи ҳикоя услубини қўлламай, балки

унинг янги вариантини берган. Бунда Ҳажжжоз қолипловчи ҳикоя сифатида келиб, маълум тарихий маълумотлар асосида ёритилган (Абдуллаев В, 1978:75). Жумладан, Абдумалик ибн Марвон (685-705) ҳукмронлиги даврида унга лашкарбоши бўлган тарихий шахс Ҳажжжоз ибн Юсуф (660-714) (Массэ А, 1961) фаолияти, ҳаракатлари бадиий қаламга олинган ҳамда салбий бўёқда ифодаланган.

Муаллифи номаълум “*Ҳикояти Ҳажжжоз ва Муҳаммад Боқир*” асарининг қўлёзмаси ЎзРШИ қўлёзмалар фондида 344/III инвентарь рақам остида сақланади. Асар ҳажман кичик бўлиб, 25 саҳифадан иборат. Қўлёзма настаълик хатида бўлиб, воқеалар насрий баён этилган. Насрий баён таркибида Муҳаммад Боқир тилидан 40 мисрали муножот ҳамда қаҳрамонлар руҳиятини очиб бериш мақсадида улар тилидан 136 мисрали шеърӣ парчалар келтирилган.

“*Ҳикояти имом Муҳаммад Ҳанифа*” (ёки “*Зайнулараб*”) қиссаси ЎзФА шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 438, 9559, 5510, 10659 инвентарь рақам остида сақланади. Асар ҳажман кичик бўлиб, 71 varaқдан иборат. Воқеалар асосан насрий баён этилган бўлиб, қаҳрамонлар тилидан жами 1196 мисрали савол-жавоб тарзидаги шеърӣ мурожаат, мухаммас, воқеликка муносабат тарзида назмӣ парчалар келтирилган.

“*Жангномаи Зуфунун*” қиссаси Ҳ.Сулаймон қўлёзмалар фондида 4485 инвентарь рақам остида сақланади. Қисса ҳажман кичик бўлиб, 94 varaқдан иборат. Асар насрийда баён этилган ва воқеалар Абдуллох ибн Аббос томонидан нақл қилинганлиги айтиб ўтилган. Асар ҳозирги ёзувга нашр этилган (Зуфунун қиссаси, 1993). Насрий баён таркибида 3 та ғазал (34 мисра), 14 та назм (120 мисра), 6 та муножот (164 мисра), 5 та байт (41 мисра), 1 та марсия (14 мисра) келтирилган. Назм деб берилган шеърлар кўпроқ муножот сифатида келган.

“*Жангномаи ҳафт ғазоти ҳазрат Али*” қиссаси Ҳамид Сулаймон қўлёзмалар фондида 2954 инвентарь рақам остида сақланади. Котиб Ҳожи Абдурауф ибн Абдуғани томонидан кўчирилган бўлиб, 175 varaқдан иборат. Асар бир нечта воқеаларни ўзида жамлаган ва унинг қисмлари дoston, қисса сарлавҳаси остида берилган ҳамда воқеалар ҳажман қисқа бўлиб, насрий баён этилган. Асар 7 ғазот, 12 та кичик ҳажмли дoston, қисса, жами 19 та кичик қиссадан иборат. Хусусан, “Ҳазрат Али ва Қайс подшоҳ воқеалари” (дастлабки қисм махсус номланмаган, сюжетидан келиб чиқиб, сарлавҳа берилди – Л.А.), “Уҳуд жанги ва Онҳазрат (с.а.в.) муборак тишларини шаҳид бўлмоқлиги баёни”, “Подшоҳ Толи Мағрибий ҳақида”, “Қаттол

ва мусулмони саййидин баёни”, “Музаффар ҳазрати Муҳаммад Ҳанифа”, “Деви сафедни енгил баёни” ва “Шоҳимардоннинг Аждар билан олишғони баёни” каби жанрлар ташкил этади. Ғазот қисмида, асосан, ҳазрат Али қаҳрамонлиги тасвирланган.

Кичик ҳажмли дoston ва қиссаларда “Ҳайбар қалъасини фатҳ этилиши баёни”, Молики Аждарнинг кофирлар билан урушгани, Шимил ибн Фозил воқеалари, имом Ҳасан ва имом Ҳусайннинг шаҳид бўлиши ҳамда охириги дoston “Пайғамбар (с.а.в.) Маккадан Мадинага сафар қилгонлари” каби сарлавҳаларга ажратилган ҳолда баён этилган. Мазкур қиссалар, Ҳамид Сулаймон фондида 4502, 1915, 3341 инвентарь рақам остида сақланаётган “Жангномаи ҳазрат Али” номли асарда ҳам келтирилган. Деярли воқеалар бир-биридан фарқ қилмайди. Фақат қиссаларнинг кетма-кетлигида фарқ бор. Мазкур асар “Ҳазрат Али ҳақида қиссалар” номи остида ҳозирги ёзувда нашр этилган (Ҳазрати Али ҳақида қиссалар, 1992:112). Асарда ҳазрат Али жанглари ёритилган 14 қисса ҳамда “Уҳуд ва Ҳайбар жанги”, “Зарқум қиссаси”, “Молик Аждар қиссаси” каби қисмлардан иборат воқеалар ҳам баён этилган.

“Жангномаи Саййид Баттол Ғозий” асари форс-тожик тилидан туркийга номаълум котиб томонидан таржима қилинган. Ҳамид Сулаймон қўлёзмалар фондида 2860 инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосманинг 4-саҳифасида “Абулмухтафи аш-Шомий андоқ ривоят қилибдурларки...”, деб келтирилганидан билиш мумкинки, асар Абулмухтафи аш-Шомийнинг “Жангномаи Саййид Баттол Ғозий” номли форсий дostonининг туркий таржимасидир (Жўраев З, 2015:160). Асар 248 арақдан иборат бўлиб, охириги саҳифалари йўқ. Воқеалар насрий баён этилган ва қаҳрамонлар ҳис-туйғусини ифодалаш мақсадида 2, 4 мисрали назмий парчалар ҳам келтирилган. Мазкур типдаги асарлар ўзбек адабиётининг ўзига хос бadiий ижод намунаси сифатида қисса жанрида майдонга келган ва XIX аср охири – XX аср бошларида бир неча бор китобат қилинган.

ХУЛОСА

Ўрта Осиёда ислом тарихига бағишланган асарлар халқнинг кўпроқ пайғамбарлар, авлиё ва анбиё, тарихий шахсларга бўлган ишончи, садоқати, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган бош қаҳрамонлар сифатида майдонга келган ҳамда халқ идеологияси сифатида ўз шарт-шароитларига мослаштирилган ҳолда талқин этилган (Жуманазаров У, 1990:109). Шу жиҳатдан, XVII-XIX асрларда муаллифлар томонидан шу руҳдаги асарлар кўплаб

юзига келган бўлса-да, аммо асарларнинг халқ оғзаки ижодига хос намуналари арабларнинг Ўрта Осиёни фатҳ этиш даврига бориб тақалади (Жуманазаров У, 1990:55). Чунончи, ислом динини ёйишга бўлган ҳаракат кўплаб тарихий воқеаларни юзага келишига сабаб бўлди. Натижада, тарихий воқеалар асосида халқ орасида бadiийлашган ҳолда турли жанрдаги асарларни юзага келтирди. Юқорида таҳлил этилган асарлар ҳам шундай жанрдаги бadiий ижод намуналари, дейиш мумкин.

Умуман олганда, ўзбек адабиётида мавжуд ислом тарихига оид асарлар мазмун-моҳиятига кўра, ислом тарихи воқеалари бadiий акс этган асарлар ҳамда тарихда машҳур шахслар фаолияти бadiий ёритилган қиссалар бўлиб, уларнинг 100 га яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари турли ҳажм ва савияда ёзилганлигини таҳлиллар орқали кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ал-Балозурий (2012). Футуҳ ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўзбоши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: Ўзбекистон.
2. Бобораҳим Машраб. (1994). Мабдаи нур. – Тошкент: Фан.
3. Абдуллаев В. (1967). Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи.
4. Равшанов Ф. (1997). Холис ва унинг адабий мероси. Фил.ф.н.дис. – Самарқанд.
5. Soyirov S. (2020). «Qissayi Sayqaliy» asari qo'lyozma nusxalarining qiyosiy-tekstologik tadqiqi. Монография. – Т.: “VNESHINVESTPROM” nashriyoti.
6. Чориев А. (1996). Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби. – Тошкент: Шарқ.
7. Эшонова С. (2006). XX аср бошларидаги Қўқон шоирлари (Нисо ва Хоний). Филология фанлари номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент.
8. Шоҳ Ҳаким Холис. (1994). Сафед Булон қиссаси. Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳ муаллифлари Т.Набиев, М.Ҳасаний. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
9. Исҳоқхон Ибрat. (1991). Тарихи Фарғона. – Т.: Камалак.
10. Ҳазиний юрти. (2010). Н.Абдулаҳатов ва бошқ. – Т.: Янги аср авлоди.
11. Сайқалий С. (2004). Равзат уш-шуҳадо / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифлари С. Сайфуллоҳ, Д. Хунзекр. – Т.: Мовароуннаҳр.
12. Соипов С. (2006). “Қиссаи Сайқалий” асари қўлёзма нусхаларининг қиёсий текстологик тадқиқи. Фил. фан. ном... дисс. Автореферат. – Тошкент.
13. Қайюмов А. (1961). Қўқон адабий муҳити (XVIII-XIX асрлар). – Т.: ЎзФА нашриёти.

14. Исломов Х. (1983). Увайсийнинг “Қиссаи пур гусса” асари қўлёзмаси // Адабий мерос, 1983, 3-сон.
15. ЎзФА ШИ фонди 13055/1/2/3, 8844/2, 12756, 9569/2, 5354/1, 3650/2, 8924/2, 9818/2, 9074/2, 12447, 12457/1 рақамли қўлёзмалар.
16. Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн қиссаси. (2003). – Т.: Янги аср авлоди.
17. Абдулаҳатов Н. Абдуқайум Ваҳмий Марғиновийнинг нодир мероси // Электрон ҳолда.
18. Абдуллаев В, Валихўжаев Б. (1978). Мирий ва унинг замондошлари. – Т.: Фан.
19. Массэ А. (1961). Ислам. ИВЛ, – Москва.
20. Зуфунун қиссаси. (1993). А.Қодирий номидаги халқ мероси. Тошкент.
21. Ҳазрати Али ҳақида қиссалар. (1992). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С.Рафиддинов. – Т.: Ёзувчи.
22. Жўраев З., Масалиева О. (2015). Заркентдаги авлиё ота. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси.
23. Жуманазаров У. (1990). Тарих, афсона ва дин. – Т.: Ўзбекистон.
15. O‘zFA SHI fondi 13055/1/2/3, 8844/2, 12756, 9569/2, 5354/1, 3650/2, 8924/2, 9818/2, 9074/2, 12447, 12457/1 raqamli qo‘lyozmalar.
16. Imom Hasan va Imom Husayn qissasi. (2003). – T.: Yangi asr avlodi.
17. Abdulahatov N. Abduqayum Vahmiy Marg‘inoniyning nodir merosi // Elektron holda.
18. Abdullayev V, Valixo‘jayev B. (1978). Miriy va uning zamondoshlari. – T.: Fan.
19. Masse A. (1961). Islam. IVL, – Moskva.
20. Zufunun qissasi. (1993). A.Qodiriy nomidagi xalq merosi. – Toshkent.
21. Hazrati Ali haqida qissalar. (1992). Nashrga tayyorlovchi va so‘zboshi muallifi S.Rafiddinov. – T.: Yozuvchi.
22. Jo‘rayev Z., Masaliyeva O. (2015). Zarkentdagi avliyo ota. – T.: TIU nashriyot-matbaa birlashmasi.
23. Jumanazarov U. (1990). Tarix, afsona va din. – T.: O‘zbekiston.

REFERENCES

1. Abul Abbos Ahmad ibn Yahyo ibn Jobir al-Balozuriy. (2012). Futuh al-buldon. Xurosonning fath etilishi / So‘zboshi, arab tilidan tarjima, sharhlar, izohlar va ko‘rsatkichlar muallifi Sh.S.Kamoliddin. – T.: O‘zbekiston.
2. Boborahim Mashrab. (1994). Mab dai nur. – T.: Fan.
3. Abdullayev V. (1967). O‘zbek adabiyoti tarixi. 2- kitob. – T.: O‘qituvchi.
4. Ravshanov F. (1997). Xolis va uning adabiy merosi. Fil.f.n.dis. – Samarqand.
5. Soyipov S. (2020). “Qissayi Sayqaliy” asari qo‘lyozma nusxalarining qiyosiy-tekstologik tadqiqi. Monografiya. – T.: “VNESHINVESTPROM” nashriyoti.
6. Choriyev A. (1996). Hazrati Sulton tarixi va Hazrati Bashir manoqibi. – T.: Sharq.
7. Eshonova S. (2006). XX asr boshlaridagi Qo‘qon shoiralari (Niso va Xoniy). Filologiya fanlari nomzodlik dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent.
8. Shoh Hakim Xolis. (1994). Safed Bulon qissasi. Nashrga tayyorlovchilar, so‘z boshi va izoh mualliflari T.Nabiyev, M.Hasaniy. – T.: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti.
9. Ishoqxon Ibrat. (1991). Tarixi Farg‘ona. – T.: Kamalak.
10. Haziniy yurti. (2010). N.Abdulahatov va boshq. – T.: Yangi asr avlodi.
11. Sayqaliy S. (2004). Ravzat ush-shuhado / Nashrga tayyorlovchi, so‘zboshi va lug‘at mualliflari S. Sayfulloh, D. Xunzehr. – T.: Movarounnahr.
12. Soipov S. (2006). “Qissai Sayqaliy” asari qo‘lyozma nusxalarining qiyosiy tekstologik tadqiqi. Fil. fan. nom... diss. Avtoreferat. – Toshkent.
13. Qayumov A. (1961). Qo‘qon adabiy muhiti (XVIII-XIX asrlar). – T.: O‘zFA nashriyoti.
14. Islomov H. (1983). Uvaysiyning “Qissai pur g‘ussa” asari qo‘lyozmasi // Adabiy meros, 1983, 3-son.